ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
ЯНГИҚЎРҒОН ТУМАНИ
ҲОКИМИНИНГ
КАРОРИ

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAMANGAN VILOYATI
YANGIQO`RG`ON TUMANI
HOKIMINING
QARORI

«06» 12 2008 йил Янгикургон шахарчаси 3206 сонли

Қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳар туркимидаги посёлкалар тоифасига киритиш тўғрисида.

«Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини маъмурий-худудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 120-сонли ва шу ҳақдаги вилоят ҳокимининг 2005 йил 20 июлдаги 111-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда тумандаги Бекобод, Бирлашган, Зарбдор, Заркент, Наврузобод, Қораполвон, Шарқ Юлдузи, Нанай, Навкент, Истиқлол, Поромон қишлоқ фуқаролар йиғинларининг илтимосларига асосланиб ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини маъмурий-худудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 120-сонли ва шу ҳақдаги вилоят ҳокимининг 2005 йил 20 июлдаги 111-сонли қарори асос учун қабул қилинсин.

2. Бекобод, Бирлашган, Зарбдор, Заркент, Қораполвон, Шарқ Юлдузи, Нанай, Навкент, Истиқлол, Поромон қишлоқ фуқаролар йиғинларининг қишлоқ аҳоли пунктларини мавжуд чегаралари доирасида шаҳарчалар тоифасига киритиш бўйича таклифлари макуллансин.

3. Тумандаги Бекобод, Калишох, Қорачашўркент, Хўжашўркент, Говазон, Искавот, Салмон, Заркент, Қораполвон, Қизилқиёқ, Нанай, Кўкёр, Навкент, Сангистон, Қораёнтоқ, Юмалоқ тепа, Поромон қишлоқ аҳоли пунктларини мавжуд чегаралари доирасида шаҳарчалар тоифасига киритиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ш.Шарипов), бош архитектор (Х.Халилов)лар мазкур қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳарчалар тоифасига киритишни асослаб берувчи хужжатларни тайёрлашга маъсул этиб белгилансинлар.

5. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

RASMIY HUJJATLAR UCHUN

Туман хокими : **А. Я.Тожибоев**